

**“Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг  
2016 йил 1-чорак якунлари бўйича Ахборот-коммуникацион  
технологияларни ривожлантириш бўйича бажарилган ишлар ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси геология, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масасалари комплексининг 2016 йил 12 январ кунги №8 сонли хайат мажлиси баёни 2015 йил якунлари хулосаларидан келиб чиқиб, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси томонидан 2016 йил давомида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот Технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига келишиш учун киритилган.

2015 йилги Чора-тадбирлар режасининг 1,2,3-бандлари ижроси юзасидан 2018 йилгача Ахборот-коммуникацион технологияларини ривожлантириш концепцияси, Техник топшириқ ва электрон хужжат айланиши, Дастлабки техник иқтисодий асослаш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун 2015 йил 30 июн куни «Zamonaviy kommunikatsiyalar» МЧЖ билан 21/06-сонли 53.8 млн сумлик шартнома имзоланди ва 15 июлда Молия вазирлиги газначилигида рўйхатдан ўтказилди. Ҳозирги кунда мазкур шартнома асосида «Zamonaviy kommunikatsiyalar» МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган Техник топшириқ ва Дастлабки техник иқтисодий асослаш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Ахборот Технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан кўрсатилган камчиликлари бартараф этилди ва қайта келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Ахборот Технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига киритилмоқда.

Давлат инспекциясида интернет тезлигини ошириш мақсадида 2016 йил март ойидан “Sharq telecom” ҚҚ МЧЖ билан шартнома тузилиб, интернет тармоғига FTTB технологияси асосида интернет тизимига уланиш тезлиги (1 mb/s) оширилди.

Давлат инспекцияси бюджетдан ташкари фонддан 35 млн сўм АКТни ривожлантириш учун ажратилди.

**Ахборот хавфсизлиги:**

2015 йил 13 ноябр кундаги Ўзбекистон Республикаси Ахборот Технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази томонидан ўтказилган ўрганишлар хулосасидан келиб чиқиб,

“Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекцияси томонидан 2016 йил давомида Давлат инспекциясида ахборот хавфсизлиги талабларига мос келтириш мақсадида чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозирда мазкур чора тадбирлар режаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот Технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига келишиш учун киритилган.

“Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекцияси марказий аппаратида ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сервер компютери мураккаб парол билан химояланган. Ихтиёрий фойдаланувчи тармоқга уланиши таъқиқланган ва тармоқга уланган ходимларга тегишли бўлмаган маълумотларга чекловлар ўрнатилган. Инспекциядаги ходимларнинг компютерларининг чиқиш портларига чекловлар ўрнатилиш жараёнда. Инспекцияда Esset Nod 32 антивирус дастури ишлатилади ва доимий равишда базаси янгиланиб турилади.

“Саноатгеоконттехназорат” Давлат инспекцияси таркибий тузилмаларида ходимларнинг шахсий компютерлари пароллар билан химояланган ва антивирус дастурий воситалари базаси доимо янгиланиб туради. Хар ойда шахсий компютерлар антивирус дастури ёрдамида текшириб борилади.

2015 йил 4 февралдаги 2293-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ижросини бажариш мақсадида сентябр ойида инспекция томонидан давлат хизматларини ягора реестр рўйхатидан ўтказилди. “Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекциясидаги маълумотларни чиқиб кетишини олдин олиш мақсадида инспекциядаги компютерларда USB ва CD/DVD портларига чекловлар 2016 йил 1 чораги якунига қадар ўрнатилди.

2016 йил 3 чорагида Давлат инспекциясида Ахборот хавфсизлиги бўйича масъул ходим малакасини ошириш чора тадбирлар режасига киритилган ва 1,8 млн сўм бюджетдан ташқари фонддан ажратилди

#### **Давлат инспекциясининг расмий веб-сайти:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрда 355-сонли “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори юзасидан “Саноатгеоконттехназорат” давлат инспекцияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2016 йил 1 чорагида Давлат инспекцияси расмий веб-сайти янгиланиб, камчиликлар тўлдириб борилмоқда.